

Adabiyotlar

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасини ўрганиш ва кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб этишга бағишланган илмий-оммабоп қўлланма. – Т.: «Маънавият», 2019. 264-265-б.
2. Shoumarov G.B., Haydarov I.O., Sog'inov N.A. Oila psixologiyasi: Akad. litsey va kasb-hunar kollejlari o'quvchilari uchun darslik. / G'.B.Shoumarovning tahriri ostida. O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta-maxsus ta'lim vazirligi, O'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi markazi. -T.: «Sharq», 2015. 296-b.
3. Aygumova Z.I. Bietnik oilaviy munosabatlar psixologiyasi [elektron resurs]: monografiya. -Elektron. berilgan. -Moskva: «Prometei», 2016.
4. Xudoyqulov X.J., Rasulova Z.R.. Oila pedagogikasi. O'quv qo'llanma. -Toshkent: "Metodist nashriyoti", 2023,188-b.
5. Afonina N.I. Ko'p madaniyatli oilalarda bolalarni tarbiyalash xususiyatlarini o'rganish natijalari. Moskva davlat viloyat universiteti gazetasi. Seriya: Pedagogika. 2015. № 1. 8-14-b.
6. Stat.uz
7. <https://www.b17.ru/article/339217/>

REZYUME. Ushbu maqolada baynalminal oilalar, millatlararo nikohlar, ularning ijtimoiy-psixologik xususiyatlari, ya'ni ushbu oilalarda nikoh oldi motivlari, oilaviy munosabatlar hamda ularning tipologiyasi haqida nazariy ma'lumotlar keltirilgan, psixologik xususiyatlari tahlil qilingan.

РЕЗЮМЕ. В данной статье анализируются теоретические сведения о интернациональных семьях, межэтнических браках, их социально-психологических особенностях, т.е. добрых мотивах, семейных отношениях и их типологии в этих семьях, психологических особенностях.

SUMMARY. In this article, theoretical information about international families, inter-ethnic marriages, their socio-psychological characteristics, i.e. pre-marriage motives, family relations and their typology in these families, psychological characteristics are analyzed.

ТАЛАБАЛАРДА МИЛЛИЙ КАДРИЯТЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ – ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИНИ ЎРГАНИШ

А.Т.Рўзикулова – психология фанлари бўйича фалсафа доктори

Навоий давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: ўзлигини англаш, миллат, миллий кадриятлар, идентификация.

Ключевые слова: самосознание, национальность, национальные ценности, идентификация.

Key words: self-awareness, nationality, national values, identification.

Хеч бир халқ ўзлигини англамасдан, миллий маданияти, миллий кадриятларини асраб-авайлаб сақламасдан туриб, бошқа халқларнинг кадриятларига ҳурмат билан қарай олмайди. Мустақил Ўзбекистоннинг куч-қудрати халқимизнинг умуминсоний кадриятларига содиқлигидадир. Жамият тараққиётининг муайян босқичларида ижтимоий, ҳодисаларга муносабат хилма-хил тарзда намоён бўлади. Хусусан, мустақиллигимизнинг биринчи кундан бошлаб ҳаётимизнинг барча жабҳаларида “Кадриятлар”, “Миллий тикланиш”, “Миллий онг”, “Миллий ғурур” каби атамалар тез-тез ишлатиладиган бўлиб қолди. Бу бежиз эмас, албатта. Зотан, мустақиллик, айни пайтда, миллий тикланиш ҳамдир. Уни эса мазкур тушунчаларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Аммо шунга таъкидлаш жоизки, катагончилик сиёсати ва тузуми даврида бу атамаларни ишлатиш ўқда турсин, уларни ҳатто ўзбекча лўғат бойлигидан сўриб чиқаришга ҳаракат қилинган эди. Бунга далил сифатида 1959 йили Москвада “Хорижий ва миллий лўғатлар давлат нашриёти” томонидан чоп этилган 40 мингдан ортиқ сўздан иборат “Ўзбекча-русча лўғат”га ҳам, 1988 йилдаги чоп этган 50 минг сўзлик “Ўзбекча-русча лўғат”га ҳамма жабҳаларда “Кадрият”, “Миллий тикланиш”, “Миллий онг”, “Миллий ғурур” тушунчаларини киритилмаганлигини айтиб ўтиш мумкин [2].

“Кадрият” ибораси ўз маъносиди мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг кенг қўлланила бошланди. Собик Иттифок даврида бу термин муомаллада деярли учрамас, уни ўзбекча лўғат манбаларидан чиқаришга ҳаракат қилинган эди.

Шунингдек, ушбу терминлар 1981 йилда Москвадаги “Русский язык” нашриёти томонидан чоп этилган ва 60 минг сўзни камраб олган икки жилдлик “Ўзбек тилининг изоҳли лўғати”да ҳам учрамайди. Бошқа русча-ўзбекча лўғатларда ҳам “кадрият” сўзи қўлланилмаган. Жумладан, 1976 йилда “Фан” нашриётида чоп этилган “Ижтимоий-сиёсий терминлар лўғати”да “ценность” сўзининг тўртта маъноси лўғат мақоласи тарзида берилгани ҳолда уларнинг бирортасида “кадрият” маъноси ўз ифодасини топмаган. Истиклол шарофати билан миллий кадриятларни ўрганишга, тадқиқ этишга, улар тўғрисида мушоҳада юритиш ва ҳолис фикр билдиришга шароит яратилди [2].

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ўзбекон миллий кадриятларни асраб-авайлаш, уларни келажак авлодга етказиш ҳусусида фикр билдирар экан, “кадрият” сўзининг маъносини очиб беради: “Биз тарих синовларидан ўтган, миллий манфаатларимиз, бугунги ва эртанги орзу-интилишларимизга, тараққиёт талабларига тўла жавоб берадиган, йиллар ўтгани сари кадри ортиб борадиган гоё ва тушунчаларни кадрият деб биламиз” [3]. Мустақиллик тўғрисида 1998 йилда Мустақиллик илмий-оммабоп лўғати чоп этилиб, бу тушунчаларнинг моҳиятини очиб беришга муваффақ бўлинди. “Кадрият” атамаси бизга арабча “кадр” сўздан кириб келган бўлиб, бугунги кунда бу тушунча “борлик ва жамиятдаги бирор-бир нарса ва ҳодисанинг кишилар ўртасидаги, ўзаро ижтимоий муносабатлардаги тутган муҳим аҳамиятини ифода этиши учун қўлланилмоқда”. “Кадрият” ибораси инсонга, жамиятга нисбатан берилиб, таърифлангандагина муайян маънога эга бўлиши, аник мазмун касб этиши мумкин. Zero, “кадрият” эҳтиёж ва манфаатларини қондирувчи жамики моддий ҳамда маънавий неъматлар тушунлади. Албатта, ҳеч бир буюм ёки воқеалик инсон ва унинг эҳтиёжларидан алоҳида олиб талқин этилганда бирон-бир кадр-қимматга эга бўлмайди [3].

Жамият ҳаётида мавжуд турли-туман кадриятларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, диний, миллий, маънавий мазмундаги кадриятларга ажратиш мумкин.

Таъкидлаш лозимки, кадриятларнинг жамият, давлат ва шахс ҳаётида тутган ўрни ва аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда, фанда, хусусан фалсафа фани доирасида кадриятлар назарияси - аксиология шаклланди. “Кадрият” атамаси бугунги кунда ўзининг хақиқий маъносига эга бўлиш билан бир қаторда ижтимоий ҳаётда моҳият жиҳатдан тўғри қўлланишга эришилмоқда.

“Ҳуқуқий кадриятлар”- бу инсонлар, жамият ва давлат ўртасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишда фуқаролар томонидан эъзозланадиган, кадрланадиган, уларнинг манфаатларига хизмат қиладиган ҳуқуқий нормалар, гоёлар, қарашлар, институтлар, принциплар ва ҳодисалар йиғиндисидир. Кадриятлар инсон учун кадрли моддий ва маънавий неъматлар мажмуи дея талқин этиладиган бўлса,

хүкүкий кадриятларни биз маънавий неъматлар таркибида акс эттиришимиз мантиқан тўғри бўлади. Шў билан бирга хүкүкий кадриятлар билан бир каторда “миллий хүкүкий кадриятлар” ҳам мавжўддир [3].

Миллий хүкүкий кадриятлар - мўайян мамлакат микёсида амал қиладиган шў макондаги ижтимоий мўносабатларни тартибга соладиган, мамлакатдаги миллат ва элатлар ўчўн кадрли бўлган ва фўкарорлар томонидан эъзозланадиган, миллий хўсўсият ва фазилатларни ифодаловчи хүкүкий нормалар ва ходисалардир. Кўпчилиқ кишилар кадрлайдиган нарсалар, ходисалар, масалан, қимматбаҳо бўюмларни кадрият дейишади. Аслида эса шўларнинг ижтимоий аҳамияти кадриятларнинг ҳақиқий баҳосини аниқлайди. Бирор нарса, воқеа ёки ходисанинг кадри ўнинг моддий-иктисодий баҳосидан катта фарқ қилиши мўмкин. Масалан, минг йил олдинги бўюмни ишлатиш мўмкин эмас. Унинг иктисодий қиймати кам, аммо, мерос сифатидаги кадри анча юқори бўлиши мўмкин.

Демак, кадрият дейилганда, инсон ва инсоният ўчўн аҳамиятли бўлган, миллат, элат ва ижтимоий гўрўхларнинг манфаатларига ва мақсадларига хизмат қиладиган, шў тўфайли ўлар томонидан баҳоланиб кадрланадиган табиат ва жамият неъматлари, ходисалари мажмўини тўшўниш лозим.

Мазкўр таърифдан кўриниб тўрибдики, кадриятлар:

Биринчидан, воқелиқда мавжуд бўлган табиат ва жамият неъматлари;

Иккинчидан, ўларни кадрият тўркўмига киритиш ёки киритмаслик кишиларнинг эҳтиёжлари, манфаатлари, мақсадлари, орзу-умидлари билан белгиланади;

Учинчидан, табиат ва жамият неъматлари, ходисаларнинг кадриятлар тўркўмига киритилишининг асосий сабаби кишилар ўларни кадрлайди, авайлаб-асрайди, чўнки, бў кадрият ўларнинг шахсий ва ижтимоий тўрмўшини бойитади.

Кадриятлар ўзининг моҳиятига кўра бир неча тўрға бўлинади. Жўмладан, инсон ва ўнинг ҳаёти энг олий кадрият ҳисобланади. Инсон йўқ жойда бирор нарсанинг кадр-қиммати ҳақида сўзлаш бемаъниликдир. Зеро, давлатимизнинг ижтимоий ҳаётнинг тўрли соҳалардаги фаолияти, жамиятимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг барчаси кишиларнинг ҳаёти тўқ, бой, гўзал бўлиши, инсон ўзини чинакам эркин ҳис этиши, ўз меҳнатининг, ўз тақдирининг, ўз мамлакатининг эгаси бўлишини таъминлашга қаратилгандир.

Кадриятлар ўз моҳиятига кўра моддий ва миллий-маънавий кадриятларга бўлинади. Моддий кадриятлар-инсон меҳнати, ақл заковати билан яратиладиган тўрли-тўман моддий бойлиқлар, завод ва фабрикалар, ишлаб чиқариш кўчлари, ноз-неъмат ва шў кабилардир. Моддий кадриятлар асосини - жамиятнинг моддий-техника базаси, негизини эса мўлк ташкил қилади.

Миллий - маънавий кадриятлар - мўайян миллат ва-қиллари ўчўн зарўр ва аҳамиятли, азиз ва ардоқли бўлган, манфаати ва мақсадларига хизмат қиладиган, маънавий бойлиқлари, амаллар ва тамойиллар, ғоялардир. Ҳар бир халқнинг ўзи ўчўн эъзозли, қийматли бўлган маънавий бойлиқлари бўлади. Бўлар асрлар давомида авлоддан-авлодга ўтиб келган, ҳозирги кўнда ҳам ў ўзининг аҳамияти ва кадрини йўқотмаган, шў халқнинг ифтихорига айланган дўрдоналардир.

Миллат ва элатларнинг ўзига хос тарихий мероси, санъати, адабиёти, тили билан бир каторда ўларнинг урф-одат ва маросимлари, анъаналари маданий мўносабат ва ахлоқий фазилатлари ҳам маънавий кадриятлар тизимига қиради. Кадриятлар амал қилиш доирасига кўра миллий, минтақавий, ўмўминсоний тўрларга бўлинади. Миллий кадриятлар-миллат ўчўн мўҳим ва жиддий аҳамиятга эга бўлган жиҳат ҳамда хўсўсият-

лардир. Ўз миллий кадрияти бўлмаган миллат ёки элат йўқ. Миллий кадриятлар миллатнинг яшаш тарзи, келажаги, уни ташкил этган авлодлар, ижтимоий қатламлар, миллий онг, тил, маънавият ҳамда маданият билан ўзвий боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Демак, ўлар мўайян бир миллат, элат ва халқ ҳаёти, тўрмўш тарзи, ўларнинг ўтмиши, келажаги ва яшаётган ижтимоий муҳити билан боғлиқдир.

Миллий кадриятларимизда жаҳоннинг бошқа халқларига ўхшамайдиган урф-одатлар, расм-ўрўсўмлар, маросимлар ва анъаналардаги ўзига хослик ҳам бор. Маълўмки, кадриятлар маълўм шароитларда шаклланади. Шў сабабли ўлар маҳаллий, миллий, минтақавий шакллар ва ўмўминсоний мазмўнда мавжўд бўлади. Маҳаллий кадриятларнинг энг етўкли ва ўмўминиллий манфаатларга мослари аста-секин сараланиб ўмўминиллий даражага кўтарилди.

Бўгўнгги замонавий кадриятшўнослик фанида миллий кадриятлар кишиларнинг табиий, тарихий ва ижтимоий бирлигини таъминлайдиган этник маконда шаклланади. Ранг-баранг тарзда, тўрли шаклларда намоён бўлади, кишиларнинг онгига, ҳаёт тарзига ўзига хос тарзда таъсир қилади, дейилади. Шўнингдек, миллий кадриятларни кишиларнинг ўзаро мўносабатларида, ижтимоий фаолиятларида кўзга ташланиб туришидан ҳамда ана шў мўносабат, фаолият, мақсад, эҳтиёж ва интилишлар ўчўн маънавий асосдан билиб олса бўлади.

Ўзбек халқининг миллий кадриятлари ва ўларнинг алоқадорлиги ифодаси бўлган кадриятлар тизими, миллатимизнинг тарих силсилалари, замона зайллари, тўрли ижтимоий ва сиёсий жараёнлар таъсирида шаклланиб келди. Миллий кадриятларимиз миллатнинг келиб чиқиш хўсўсиятлари ва ҳудудий макони билан боғлиқ ҳолда шаклланди. Қардош халқларнинг ижтимоий таракқиёти эса ўларнинг миллий-ҳудудий кадриятлари равнақи билан ўзвий алоқадорлиқда давом этди. Шў тариқа миллатимиз ўзига хос ранг-баранг кадриятларни такомиллаштириб бориши натижасида, ўмўминсоний кадриятларни шакллантириб, ўнинг қирраларини ривожлантириб борди.

Миллий кадриятлар табиатида кўра, тор доирада тўхтаб қолмайди, балки равнақ топиб, турмуш жараёнида янгиланиб, бошқа халқлар кадриятларининг ютуқлари билан бойиб боради. Аёнки, ҳар бир эл, элат, уруғ ёки халқнинг урф-одатларида ўзига хослик бўлади. Ўзига хос кадриятларни бошқа жойда, бошқача тарзда яшаётган кишиларнинг тарозиси билан ўлчаш ёки бў масалада бошқаларнинг ҳакам бўлиши мақсадга мувофиқ эмас. Ўмўминсонийлик тўйғуси фақат ўз халқ қадриятини ардоқлаш, кўз-кўз қилиш ва бошқалар орасига ёйиш ўчўн интилишга асосланмайди, балки ҳар бир халқ, элат, уруғ кадриятларини қандай ҳолатда бўлса, шўндайлигича қабул қилиб, ўларни хўрмат қилишдан бошланади.

Миллий кадриятларимиз ривожда ислом динининг аҳамияти ва ўрни жуда катта бўлиб, ў миллий кадриятларимизни бойитди. Айниқса, халқимиз маънавий кадриятларининг такомиллашиб боришида ислом дини келтирган инсонпарвар ғоялар сезиларли даражада таъсир кўрсатди. Ислом дини келганидан кейин Ўрта Осиё халқлари ҳаётида диний кадриятлар тизими янгиланди, заминимиздан кўплаб мутафаккирлар, қомўсий олимлар етилиб чиқди. Шўнингдек, бў дин ўзининг бунёдкорлик таомилига кўра кўплаб меъморий обидалар, шаҳарларнинг бунёд бўлишига сабабчи бўлди.

Миллий кадриятимизга айланган ислом дини ғоялари ва кўрсатмалари миллатимизнинг табиий-тарихий ривож, ижтимоий турмуши, яшаш тарзи, ўтмиши, келажаги, маданияти, маънавияти, урф-одатлари, анъаналари, тили, ў вужудга келган ҳудуд ва бошқалар билан ўзвий боғланган. Ў миллий кадриятларимиз билан

хилма-хил шаклларда, бир-бири билан узвий алоқада намоён бўлди, ўзига хос миллий қадриятлар тизимини ташкил қилди. Бу тизимда табиий-тарихий бирлиқни таъминловчи қадриятлар – ягона эътиқодлиқ, қариндошлиқ, маданий-маънавий яқинлиқ, ўтмиш ва маънавий мерос, она юрт туйғуси ва бошқалар барқарор ҳисобланади.

Миллий қадриятларимиз таркибидаги баъзи исломий қадриятларимиз кишиларнинг яшаш жойлари, турмуш шароитлари билан боғлиқликда шаклланди.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Тошкент: "Ўзбекистон", 2023. 80-б
2. Расулова З.А. Замонавий ўзбекларнинг оила-никоҳ муносабатлари. -Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёт, 2013..383-б.

3. Тожилдинов А. А. Ислом ва миллий қадриятлар. Муслим вэ. ХИА. 2020.

РЕЗЮМЕ. Хозирги замон жамиятда кўп тармоқли ривожланиш асосида қадриятлар тизими ҳақида мваллиф мваммолар сифати ўз фикрини кўрсатади. Мваллиф психолог, философ. Педагоглар учун талабаларга хос бўлган қадриятлар тизимига мос бўлувчи ижтимоий омиллар ўз фикрини намоён этили.

РЕЗЮМЕ. В статье автор представляет одну из проблем системы ценностей на основе междисциплинарного развития в современном обществе. Представлены положительные социальные факторы, способствующие развитию соответствующих систем ценностей в студентах.

SUMMARY. Author presents one of the problems as the value system on the basis of multidisciplinary development of modern society. It is described Mualic psychologist, philosopher. For educators, positive factors corresponding to the system of values inherent in the student are indicative of their opinion.

OILADAGI AJRALISHLAR JAMIYAT MA'NAVYIY HAYOTINING INQIROZI SIFATIDA

F.R.Ro'ziqulov – *psixologiya fanlari nomzodi, professor*

Navoiy viloyati pedagoglarni yangi metodikalarga o'rgatish milliy markazi

Tayanch so'zlar: oila, nikoh, farzand tarbiyasi, ajralish, yolg'izlik, begonalshuv.

Ключевые слова: семья, брак, воспитание детей, развод, одиночество, отчуждение.

Key words: family, marriage, raising children, divorce, loneliness, alienation.

Oila - jamiyatning eng muhim va mustahkam bo'g'inidir. Insoniyatning sof va pokiza tuyg'ulari, kamolotga yetish bosqichlari oila bag'rida rivojlanadi. Oila inson hayotiga to'kislik bag'ishlaydi va baxt keltiradi. Oilada ma'naviy muhit sog'lom bo'lsa, oila mustahkam bo'ladi. Biroq bugungi kunda jamiyatimizda ko'plab oilalarning ajralish holatlariga bilimsizlik va kasb-hunar ko'nikmalari etishmasligiga guvoh bo'lyapmiz. Buning uchun yurtimizda ilm-fan va zamonaviy kasb - hunar sohalarini yoshlarimizga o'rgatish bo'yicha barcha sharoitlar yaratilmoqda. "...agar biz bo'lg'usi xorazmiylar, farg'oniyalar, beruniylar, buxoriyalar, ulug'beklar, navoiylarni tarbiyalamoqchi ekanmiz, birinchi navbatda, har tomonlama sog'lom, yuksak bilimli va ma'naviyatli onalarimizni tarbiyalashimiz zarur"[1]. Bu esa, jamiyatning ma'naviy barqarorligi bilimli, milliy qadriyatlarni o'z hayotiga jo qilgan muhtaram onalarimiz va xotin-qizlarimizga bog'liq ekanligiga ishoradir.

O'zbekistonda oila, nikoh, er-xotin o'rtasidagi ajrimlar, ijtimoiy-psixologik muammolari borasida bir qator ilmiy tadqiqotlar amalga oshirilmoqda. Xususan, G.B.Shoumarov [2] "Zamonaviy o'zbek oilasi va uning psixologik xususiyatlari", N.A.Sog'inov[3] "Yosh o'zbek oilalarida yuzaga keladigan er-xotin nizolarining psixologik xususiyatlari", Z.A.Rasulova[4] "Zamonaviy o'zbeklarning oila-nikoh munosabatlari", V.M.Karimova[5] "Yoshlarda o'zbek oilasi to'g'risidagi ijtimoiy tasavvurlar shakllanishi" bo'yicha ilmiy tadqiqotlar olib borilgan.

Xorij olimlaridan Yu.E.Aleshina[6] "Nikoh munosabatlari o'rganishning ijtimoiy psixologik usullari" A.G.Volkov, A.I.Kochetov, L.V.Chuyko kabi tadqiqotchilar oiladagi shaxslararo munosabatlar, oilaviy nizolarni oldini olishda xizmatning zarurligi, psixologik maslahatning asosiy talablarini aniqlashga qaratilgan tadqiqotlar olib borishgan.

Har bir oila - kichik jamiyat. Agar oilaga darz ketsa, bu avvalo o'sha kichik jamiyatning a'zolari taqdiriga, so'ngra mamlakat bug'ini hisoblangan ulkan jamiyatga o'zining salbiy ta'sirini ko'rsatadi. Xususan, bugungi kunda oilaviy ajrimlar jamiyatimizning og'riqli nuqtasiga aylanib bormoqda. Buni oldini olish uchun "Yangi O'zbekistonda erkin va farovon yashaylik", "Oilaviy ajralishlarning

Shu sababli ham mintaqamizda bizning turmuш тарзи-миз, шарт-шароитларимизга мос тарзда шариатнинг ханафийлик йўналиши ривожлани.

Халқимизнинг маънавий мероси, анъаналари, урф-одатлари, адабиёти, санъати билан умуминсоний қадриятларнинг миллий даражада намоён бўлиш шакллари исломий қадриятлар билан боғланиб кетган. Улар миллатимизнинг тарихий ривожланиш жараёнида авлоддан авлодга ўтиб келаётган маданий хусусиятлар ва жиҳатларда ўз аксини топади.

ko'pavishi-jamiyat tanazzuli, millat fojeasi", "Bir nuroniy-o'n nafar yoshga murabbiy" kabi tamovillar asosida tashkil qilingan tadbirlar jamiyat a'zolarining ongi va tafakkurini kengaytirishga qaratilgan. Lekin bu tadbirlarga qaramasdan nega ajralishlar, oiladagi nizoli holatlar soni ko'paymoqda. Oqibatlar o'rganilganda, oilalarning airalib ketishiga moddiy yetishmovchilik, uchinchi shaxs aralashuvi, befarzandlik, iufti haloliga xiyonat, uzoq vaqt birga vashamaslik, o'zaro bir-birini tushunmaslik sabab bo'layotgani ovdinlashadi. Tan olish kerak, oilalarning buzilib ketishiga qaynona kelin munosabatlarining yomonlashuvi, achinarlisi, iahl ustida avtilgan birgina achchiq gap ham sabab bo'lmoqda. Airalish voqasiga kelib qolgan oilalardagi vaziyat o'rganilganda ro'zg'ordagi yetishmovchilikka, erkaklarning oilasidagi o'z o'rni va mavqeini vo'qotishlariga avnan bir-biridan o'zlarini ustun qo'vishiga sabab bo'layotgan ziddiyatli holatlarni vujudga keltiradi. Masalan, Zigmund Frevdning psixoanaliz nazariyasiga ko'ra[7]. ziddiyatlar "Men" va "O'ziga yuqori baho berish" dan kelib chiqadi.

Ikki-uch bolali ota va onalarning xarakterimiz to'g'ri kelmadi degan vai bahona bilan airashish haqida qaror qabul qilishavotgani, voyaga yetmagan farzandlarning kelgusidagi taqdirini o'vlab ham ko'rishmayotgani, hayotning kichik bir zarbasidan gangib qolib, zimmasidagi vuksak mas'uliyatni unutishavotgani qalblarni larzaga soladi. Mana shunday vaziyatlarda azal-azaldan oila kekxa, mahalla nuronivlari tomonidan uchqunning alanga olmaslik chorolari ko'rilgan. Ya'ni yoshlarga pand nasihatlar, ibratli voqealar so'zlab berilgan. O'vylanmay tashlangan qadamlarning og'ir oqibatlar va asoratlari haqida ogohlantirilgan. Airalishlarning yana bir iiddiy sababi o'tkinchi hoyu-havaslar ortidan qarzga botib qolish hisoblanadi. Shohona vashash, qimmat mashina minish, dang'illama to'vlaru zivofatlar qilish niyatida bemaqsad, rejasiz qarz va kreditlar olish, so'ngra uni qaytarolmagani uchun yuzaga keladigan noxush vaziyatlar oilaviy ajrimlarning sabablaridan biriga aylanayotgani ham bor gap.

Shu boisdan, oilalar tinchligini asrash, ajrimlarning oldini olish, bunga olib boruvchi sabab va oqibatlarni o'rganish masalasi muhim ahamiyatga ega. Oiladagi ajrim-